



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 11 август, шанба № 124 (1138)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

2001 yil — Onalar va bolalar yili



Умид чечаклари МЕН ЭНДИ ТАЛАБАМАН!

Ўзбекистон ёшлари мустақил юртимизнинг умид юлдузлари, келажаги буюк давлатнинг асосчиларидир. Улар бугун Эрк ва Озодлик шукухидан бахраманд бўлиб, камолга етмоқдалар. Йўлбошчимизнинг меҳридан юксак ишончидан куч олиб улғаймоқдалар. Зеро, ёшлар тарбияси адолатли, демократик жамиятимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Давлат миллий дастури» ёшларимизнинг ҳаёт йўлларини ёритувчи йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, олий ўқув юртига киришда тест синовларининг жорий қилиниши адолат тантанаси бўлди. Кун кеча Давлат тест маркази томонидан мамлакатимизнинг Олий ўқув юртига давлат гранти ва шартнома асосида ўқишга қабул қилинган талабалар рўйхати эълон қилинди. Кўпга билимдон ёшларга талабалик бахти насиб этди. Мухбирларимиз адолатли тест синовларидан ўтиб, талабаликнинг олтин остонасида турган ёшлар билан суҳбатда бўлди.

зидентимизнинг «Ўзбекистон ёшлари дунёда ҳеч қимдан кам эмас», деган давлат интилишларимга қанот бағишлади. Адолатли тест синовларидан ўтиб, шартнома асосида ўқишга қабул қилинди. Яхши биламанки, менинг ўқишим оиламизга моддий зарар етказмайди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Халқ банкдан кредит олиш имконига эгаман. Биз ёшларга ўқишимиз, келажақда етук мутахассис бўлишимиз учун кенг имкониятлар яратиб берган она Ватанимизга муносиб кадр бўлиб етишишга астойдил ҳаракат қиламан.

Миразиз ФИЁСОВ, Тошкент шаҳри:

— Менимча бахтининг ҳам, омаднинг ҳам қалити тўғри танланган мақсад ва ниятга боғлиқ. Йўлинг раво бўлса, инсоннинг оғири енгил бўлади. Кенг ва текис йўللари, иқтисодий асосини яратиб берган биз ёшларнинг қўлида. Бизнинг бахтимиз Ўзбекистондек жаннатмакон юрда туғилиб, ўсганимизда, улуг аждодларга ворислигимиздадир. Бугун билим ва иқтидорим адолатли баҳоланиб, севган мутахассислигим бўйича талабалик бахтига муяссар бўлган эканман, бу менга катта масъулият юклайди. Бизни энди олдинда илмининг сермашақат йўли кутиб турибди.

Дилдора МАННОПОВА, Автомобил йўллари институти талабаси:

— Истиқлол боис, орзуларим ушaldi. Менга ҳукуматимизнинг Меҳр отлиги ишончи оймаёт берди. Преподитори билан суҳбатда бўлди.

Амина ҚОДИРОВА, Шавкат АБДУЛЛАЕВ, «Ишонч» мухбирлари.

— Истиқлол боис, орзуларим ушaldi. Менга ҳукуматимизнинг Меҳр отлиги ишончи оймаёт берди. Преподитори билан суҳбатда бўлди.

Икром ХАСАНОВ олган суратлар.



Жасурбек ШАРОПОВ, Бухоро вилояти Вобкент тумани:

— Бугун қувончимнинг чеки йўқ. Талаба бўлдим. Адолатли тест синовларидан ўтиб, Тошкент Юридик институтига грант асосида ўқишга қабул қилиндим.

Аслида меҳнатсиз роҳат йўқ. Бахт ҳеч қачон эшик қоқиб келмайди, унга изланиш ва машаққат билан эришилади. Қийинчилик бўлмаган ерда шахс инқирозга учрайди. Эҳ-ҳе, ўқишга кириш учун қанчалар ўқидим. Бу йўлда устозларим. Муҳиба Аҳмедова, Камол Раҳмонов, Отабек Ибодовлар катта ёрдам бердилар. Менинг бу муваффақиятим замирида адолат ва ҳақиқат акс этиб турибди. Тўғриси, ўз билимимга қанчалик ишонмай, биров ҳадиқсираб турган эдим. Билсан, Юртбошимиз биз Ўзбекистон ёшларига имқон яратиб, иродани чиниктириш мактаби — адолатли кураш майдони — тест синовларини жорий этиб, ҳақиқатга асос



Матбуот сўзининг таъсирчан кучи

Ўзлаштирилган пенсия пуллари ундириб олинди

«Ишонч»да чоп этилган «Пенсия пулини ўзлаштирилган ким?» сарлавҳали мақолада Кўшработ туманидаги «Қоратош» алоқа бўлими бошлиғи К.Абдумуродов ўз манфаати йўлида хатто пенсионерлар ҳақида хўбна қилишга ҳатто етганлиги, шу туман ҳудудида жойлашган «Бозорбой» алоқа бўлими раҳбари Б.Пўлатов эса 69 нафар нафақачўрага берилиши лозим бўлган 492305 сўм пулни ўзлаштириб юборгани каби ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар фож қилинган эди.

Газета чиқиши юзасидан ўз муносабатларини билдирган ташкилотлар куйидаги мазмунда жавоб хатларини йўллашган:

— Мақолада баён қилинган салбий ҳолатлар ҳақиқатдан ҳам содир этилган. Қонун бузилишлари йўл қўйган «Бозорбой» алоқа бўлимининг собиқ бошлиғи Б.Пўлатов ва почта ходими К.Жианов уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулкларини давлат фойдасига

«Қоратош» алоқа бўлими собиқ бошлиғи К.Абдумуродов устидан ҳам жиноий иш қўзғатилиб, унга уч йил муддатли қамқо жазоси берилди. Кейинроқ эса ушбу жазо юқоридагидек уч йиллик мажбурий тўлов шартига алмаштирилган. Шунингдек, ўз хизмат вазифасида масъулиятни унутгани учун Кўшработ туман почта шўъбаси раҳбари И.Ибрагимов, ўринбосари Л.Норкуловлар эғаллаб турган лавозимларидан озод этилдилар. Шунингдек, алоқа бўлими собиқ бошлиғи К.Абдумуродов ҳам ўзлаштирилган пуллари айбдор шахслардан тўла ундириб олинди. Яна шуларни қўшимча қилиш мумкин: Самарқанд вилояти прокуратураси

нинг Кўшработ тумани ижтимоий таъминот бўлими томонидан амалдаги қонун ва ҳукуматимиз қарори ижросини таъминлашда суҳбатчиликка йўл қўйгани юзасидан тақдимномаси вилоят Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш Бош бошқармаси кенгайтирилган мажлисида муҳокама этилди. Мазкур мажлис таҳлили чоғида Кўшработ туман ижтимоий таъминот бўлими баъзи ходимларига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди. Хусусан, бўлим мудири Т.Усанов, ўринбосари Д.Рустамов ҳамда бўлим шўъба раҳбари Н.Мухамматовлар фаолиятига жиддий баҳо берилди. Мақолада кўрсатиб

Ўтилганидек, айрим банк шохобчаларида нақд пул мавжуд бўлмаганлиги сабабли пенсионерларнинг ҳақларини ўз вақтида етказиб беришда узилишларга йўл қўйилгани ҳам тўғри. Лекин жорий йилнинг етти ойи мобайнида вилоятда пенсия тўловларининг келгуси ойга кечикиб ўтиш ҳоллари рўй бермаган.

М.ЖУРАЕВ, Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.
А.ГАФАРОВ, «Самарқанд почтаси» акциядорлар жамияти директори.

«Ишонч» 2001 йил 6 июн, 28 июл

ЖИНОЙ ИШ ҚЎЗГАТИЛДИ

«Ишизилик нафақаси Тўртқўл туманида ўз вақтида берилмаётганига ким сабаби?» сарлавҳаси остида босилган мақолада ишизилик мақомини олган фуқароларга нафақалар ўз вақтида тўласинча етказиб берилмаётгани, унинг асосий сабаби — Халқ банки туман бўлими айрим раҳбарлари кўмакка муҳтожларга давлат томонидан ажратилган маблағларни ўзлаштиришга бориб етганлари каби салбий ҳолатлар танқид қилинган эди.

Куйида газета чиқиши юзасидан тахририятимизга йўлланган жавоб хати билан танишасиз.

— Мақолада келтирилган далиллар атрофлича текшириб кўрилди ва амалда ўз тасдиғини топди. Жумладан, Халқ банки туман бўлими томонидан жорий йилнинг январ ойида 21 нафар, февралда 162, мартда 102, апрелда 183, май ойида 307, июнда 982 нафар фуқаро ўз қонуний нафақаларини ололмай сарсон бўлишган.

Юқоридагилардан келиб чиққан прокуратура Халқ банки туман бўлими раҳбари номига амрнома ҳамда йўл қўйилган хато-камчиликларни бартараф этиш мақсадида туман ҳокими тақдимнома киритди. Эндиликда нафақа тўловларидаги узилишларга барҳам берилди. Шунингдек, ишизилик нафақасини тарқатишда талон-тароқчиликка йўл қўйган банк айрим раҳбар ва ходимларига нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари оlib борилмоқда.
М.ХАЛМУРАТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

МЕҲРИБОНЛАР

Бир ғариб кўнглини қилолсанг шод, Яхшидир ер юзин қилгандан обод.

Умар ХАЙЁМ.

Яхшилик қилиш, бева-бечоралар, беморлар аҳолидан хабар олиш халқимиз қонига сингиб кетган инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Чироқчи туманида ҳам саховатли, меҳридор, серҳиммат кишилар жуда кўп. Туман ноғиронлар жамиятининг раиси **Мажди Алибоев меҳр-шафқатли ва оқибатли одамлар ҳақида фикрларини сўзлаб берди.**

— Туманимизда 6800 нафар ноғирон бор, — дейди у. — Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан бирмунча ишлар амалга оширилди.

Белгиланган тадбирларга мувофиқ кам таъминланган 60 нафар фуқарога 9 хил озиқ-овқат маҳсулотлари ойма-ой бериб берилмоқда. 90 нафар ноғирон бепул дори-дармон билан таъминланган. 703 кишига эса хайрия йўли билан моддий ёрдам кўрсатилди. Туман ҳокимининг қарори билан 63 нафар ёрдамга муҳтож кишиларга ташкилот ва корхоналар ҳомий қилиб бириктирилди.

Хўжаликлар, фермерлар, хусусий тадбиркорлар моддий томондан қийналган кишиларнинг аҳолидан хабар олиб турибдилар.

Чироқчи шаҳрининг Янгиобод кўчасида Қулмамат Раҳимқулов ва Рўзигул Норқобиловалар салкам чо-

рак асрдан бери умргузаронлик қилиб келишяпти. Уч нафар фарзандлари эса туғилгандан бери тўшақдан туршишмайди. Уларни парваришлаш, иссиқ-совуғидан ҳабардор бўлиб туриш, давлатиши анча мушкул иш. Бироқ, туман ҳокимлиги, ноғиронлар жамияти, олийҳиммат кишилар бу оилани яқинлаштиришга қўйишмади. Ҳокимлик томонидан «Тадбиркор банк»да ҳисоб рақами очилиб, ноғирон болалар номига 20 минг сўмдан пул қўйилди.

Тўрт нафар кишига ноғиронлик аравачаси олиб берилди. Шаҳарнинг С.Утаев маҳалласидан биринчи гуруҳ ноғирони Маҳматқул Хайитов, Х.Олимжон номили жамоа хўжалигидан Нодира Янгибоева, «Меҳнатобод» жамоа хўжалигидан Қ.Шаванова қабилар бундай хизматга сазовор бўлдилар.

Ноғиронларга «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви кенгаши 20 минг, «Хайитқул» жамоа ширкат хўжалиги 33 минг, туман ташкилотлари 210 минг, Ҳамид Олимжон номили ва «Оқчава» хўжаликлари 215830, «Чиял» жамоа-

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

Янгийўл шаҳридаги «Росси СА» Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонасида экспортбоп қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. Бундан тўрт йил бурун кўримсизгина бинода Болгариянинг «Едросси» фирмаси билан ҳамкорликда иш бошлаган ушбу корхонада бугун хом ашёларнинг қарийб 90 фоизи ўзимизда етиштирилганлиги боис, тайёрланган ширликлар тури кўпайди. Сифати яхшиланди. Энг му-



«РОССИ СА»НИНГ ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАРИ

хим, 150 нафар ёш доимий иш ўринларига эга бўлди. Дастлабки пайтларда кунига 300-400 килограмм икки-уч хилдаги қандолат маҳсулотлари тайёрланар эди. Корхона Болгариядан келтирилган замонавий технология билан жиҳозланган, ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Айни пайтда бу ерда кунига 10-17 тоннага яқин 25 хил маҳсулот тайёрланаёпти. Олинаётган фойданинг асосий қисми корхонани кенгайтириш, қандолат сифатини яхшилашга сарфланмоқда.

Суратларда: моҳир ишчи Азиза Отажонова; қадоқловчилар Дилором Нурматова, Умида Назирова ва Гулбатом Амирова.

Дилшод ЮСУПОВ (Ўза) олган суратлар.



Оламда нима гап

ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР ГИРДОБИДА

Исроил танклари Фаластиннинг Фазо минтақаси сари яна бир километр ичкари кирди. Шу билан ракета Исроилнинг F-16 ракета манбалари Фаластиннинг Ромаллох мазеини ўққа тутган.

Маълумотларга қараганда, Исроил армияси салкам ўндан ортиқ Фаластин ҳудудларини ўз тасарруфига киритган. Фаластин маъмуриятининг хабарларига қараганда, жума намозига қатнашш учун қирқ ёшдан ўтган аёл ва эркакларгагина руҳсат этилган. Ушбу кўрсатмани амалга ошириш учун Исроил ҳарбийлари бор кучларини ишга солишган.

ТЕРРОРЧИ ЖАЗОСИ

Тожикистонда террорчи гуруҳ бошлиғи, «Гитлер» лақаби билан машҳур Раҳмон Сангинов йўқ қилинди. Маълумотларга қараганда, ИИВнинг муваффақиятли операцияси туфайли бунга эришиш мумкин бўлган.

Тожикистон ИИВ томонидан хабар берилишича, Раҳмон Сангинов ва унинг гуруҳи томонидан қўллаб оғир жиноятлар содир этилган. Операция давомида 60 нафардан ортиқ террорист ўлдирилган. Сақсон нафардан ортиқ гуруҳ аъзоси қўлга олинган. Улар 400 дан ортиқ оғир жиноятлар содир этишган эди.

ТАФОВУТ КЕТИДАН ТАФОВУТ

«РИА «Новости» ахборот мақомасининг хабар беришича, миная тўқнашиш оқибатида Македониянинг саккиз нафар жаңгичси ҳалок бўлган, олти нафари оғир тан жароҳати олган.

Македония полициясининг хабарига қараганда, мазкур фожиа Македония армияси машинаси албанларнинг бомба тўлдирилган машинасига тўқнашиши оқибатида юз берган. Интернет хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
10
ЙИЛЛИГИГА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ




«ОРОЛ БОЛАЛАРИ» – ЭНГ ЙИРИК ОРОМГОҲ

Марказимиз Қорақалпоғистондаги энг йирик болалар оромгоҳи ҳисобланади. У Оқчақул соҳилида, сўлим худудда жойлашган бўлиб, бу ерга келадиган ҳар бир ўғил-қиз кўнглини хордиқ чиқариши учун барча шароитлар яратилган. Ошхона, ҳаммом, кинозал мажмуи, икки қаватли учта ётоқхона, сув хавзаси, спорт майдончалари мавжуд.

Умуман ёз мавсумида болажонларнинг мириқиб дам олишларини таъминлаш мунтазам эътиборимизда. Икки йилдирки, сув тақчиллиги юз бераётгани, Орол бўйи худудида экологик мушкул вазиятни ҳисобга олиб, кўшимча тadbирлар ш л а б ч и қ и д и к .

Ёз ўтмоқда соз

Умуман ёз мавсумида болажонларнинг мириқиб дам олишларини таъминлаш мунтазам эътиборимизда. Икки йилдирки, сув тақчиллиги юз бераётгани, Орол бўйи худудида экологик мушкул вазиятни ҳисобга олиб, кўшимча тadbирлар ш л а б ч и қ и д и к .



Ижтимоий ҳимоя

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НИМАГА ЗОРИҚМАЙДИ

— Шу кундаги асосий вазифамиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини тўла-тўқис бажаришга йўналтирилган.

Бўлимимизда ҳисобда турувчи 12386 нафар пенсионер ва ногиронлар аҳволидан ҳамиша бохабармиз. Уларга пенсия ва нафақалар ўз вақтида етказиб берилляпти.

Шунингдек, 74 нафар ёлғиз пенсионернинг яшаш шароити кўнглидагидек бўлиши учун уларга ҳомий ташкилотлар бириктирилган. Уларнинг беғараз мадади билан кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Бундан кексалар бениҳоя хурсанд.

Бозорбой Бекчанов,
туман ижтимоий таъминот бўлими мудир.

— Бўлимимизда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан иш-

сизларни иш билан таъминлаш юзасидан қатор тadbирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, сув тақчиллиги оқибатида қишлоқ хўжалик корхоналарида вақтинча ишсиз қолган 4966 нафар фуқаронинг 3702 нафари мавсумий ишга жойлаштирилди. Бу борада 2-қурилиш бошқармаси маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма кўмитаси кўрсатаётган саяй-ҳаракат ибратлидир.

Маълумки, туманимиздаги етти та овул фуқаролар йиғинлари сув тақчиллигидан жиддий зарар кўрган эди. Шу овуллар худудидаги 2640 та кам таъминланган оилага 4 миллион 262,4 минг сўмлик қўшимча моддий мадад кўрсатилди. Шу худудлардаги ёрдамга муҳтож 88 оилага эса 162,9 минг сўм миқдорида моддий кўмак тайинланди. Шундай инсонларга гамхўрлик кўрсатишни бундан буён ҳам кучайтираверамиз. Ниятимиз ҳеч ким ҳеч нимага зориқмасин.

Исмоил Хўжаниёзов,
туман меҳнат бўлими бошлиғи.

ТАҚДИР ТАБАССУМИ

Туманимиз тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Бу заминда кўп асрлар олдин буюк бо-бокалонларимиз дехқончилик маданиятини юксалтиришган, ақли лол қолдирадиган мухташам саройлар, мустаҳкам қалъалар бунёд этишган. Аммо Амурдарё ўзанини ўзгартириши оқибатида аҳоли сарҳосил ерларни ташлаб, бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлган. Утган асрнинг етмишинчи йилларида саҳрони қайта ўзлаштириш мақсадида умумхалқ ҳаракати бошланди.

Айниқса, мустақиллик йилларида бу ишга эътибор кучайтирилди. Биринчи навбатда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан мамлакатимизда дастлабки фермер хўжаликларига шу ерда асос солинганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Яъни, 1995 йили давлат ва жамоа хўжаликларига негизда 1361 та фермер хўжалиги ташкил этилди. Улар 12 та уюшмага бирлашди. Чорвачилик хўжаликларини негизда иккита ширкат хўжалиги тузилди. Айни пайтда 131 та фермер хўжалиги мустақил самарали иш олиб бораётди.

Салкам 30 минг гектар ерда дехқончилик қилинадиган ҳамда 115 минг аҳоли истиқомат қилувчи туманимизда саноат ривожланишига ҳам кенг йўл очилди. «Элтеко» - Эллиққалъа тўқимачилик мажмуига хориж сармоялари жалб қилиниб, кўшма корхона ташкил этилди. «Қиличиноқ» ва «Бўстон» фермер хўжаликларини уюшмаларида ҳар бири йилга 3 миллион донга шартли банка консерва тайёрлаш қувватига эга заводлар ишга туширилди. Яқинда «Бўстон-сутконсерваино» корхонаси ҳам фойдаланишга топширилди.

Қахрамонлар орамизда

Шунингдек, Бўстон шаҳрида терини қайта ишлайдиган кичик корхонада чармдан пойабзал ва уст-бошлар учун хомашё тайёрланмоқда. Амурдарёнинг куйи қисмида юз берган сув тақчиллиги туманимиз халқ хўжалигига жиддий зарар етказди. Икки йил давомида экин майдонларининг деярли ярми экилмасдан қолиб кетди. Аммо, ҳамиша сўзи билан иши бир бўлган эллиққалъаликлар ҳар бир имконият-

ҳатгоҳида даволаш корпуси қурилиши поёнига етаётди.

Айни пайтда нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимиздаги йирик дам олиш масканларидан бири бўлиб қоладиган «Орол болалари» халқаро ўқув-соғломлаштириш марказининг янги бинолари бунёд этиляпти.

Туманимиз овуллари тарқоқ жойлашган. Натижанда табиий газ ва тоза ичимлик суви таъминотида бир мунча қийинчиликлар бўлиб турибди. Аммо, шунга қарамадан, аҳоли истиқомат жойларини газ ва сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида қатор юмушлар бажарилди. Ҳозир эса 17 километрли «Чайка-Бўстон» тармоғига газ қувурлари ётқизиш ишлари тугалланмоқда. Мустақиллик байрами арафасида тумандаги 10 минг нафар аҳоли истиқомат қилувчи овуллар ва «Бўстон» шаҳрига табиий газ етказиб бериш яхшиланди ҳамда қўшни Бөрүний туманидаги «Қизил қалъа», «Олғабос» овуллари аҳолиси ҳам табиий газдан тўла баҳраманд бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 июндаги қарорига биноан тоза ичимлик суви таъминоти тубдан яхшиланди. Бунинг учун сув етказиб бериш тармоқлар таъмирланди, 3 та насос станцияси қурилади.

Бир сўз билан айтганда, мустақилликка эришгандан кейинги ўтган муддат — ўн йилда Эллиққалъа иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Одамлар мустақилликни мустаҳкамлаш — ўзларининг фидокорона меҳнатларига, маънавий-маърифий баркамолликка бодлиқ эканлигини жуда яхши тушуниб етишди. Шу боис табиат қийинчилигига қарши мардона курашиб, фидойиллик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Н. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Эллиққалъа тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати.



ИШСИЗЛИК МУАММОСИ ХАЛ ЭТИЛМОҚДА

Тўртқул тумани прокуратураси ва Меҳнат бўлими томонидан ўтказилган бу галги бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам муваффақиятли ўтди. Унда салкам 50 та корхона, муассаса ва ташкилотлар 2 мингта иш ўринлари билан қатнашди.

Манғит ва Тахиятош шаҳрларида ташкил этилган ана шундай Меҳнат ярмар- зиятни келтириб чиқарди. Айниқса, Тахтақўпир тумани қишлоқ хўжалик вақтинча бўлса ҳам иш билан таъминлашда баъзи корхона ва ташкилотлар имкон излаб топмоқдалар. Жумладан, «Тахтақўпирпўй» бошқармаси ҳам бу борада ибратли ташаббус билан чиқиб, 323 нафар кишини мавсумий ишга олди. Айни пайтда улар сув йўллари тозалашапти, ободонлаштириш ишлари билан шуғулланишапти.

Икки йилдан буён давом этаётган сув тақчиллиги Амурдарёнинг куйи қисмида жойлашган худудларда мураккаб ва-


корхоналарига жиддий зарар етди. Сув тақчиллиги сабабли экин майдонларининг кўп қисми бўш қолди. Ширкат, фермер ва бошқа хўжаликларда ишсизлик пайдо бўлди. Овуллардаги дехқон ва чорвадорларни

Гулдурсин қалъаси Ватанимиз тарихининг бир бўлаги сифатида асрларни асрларга боғлаб, халқимиз бой меросидан гувоҳлик бериб турибди. Бу сирли қалъа ҳақида халқ афсоналар, ривоятлар яратдики, у неча хонлар, амиру уламоларни кўрди, қанча қонли жанглар гувоҳи бўлди. Аммо асрлар силсиласида бағри неча бор тилинса-да қалъа мағрур қад ростлаб тураверди. Истиклол туфайли «Гулдурсин»нинг ҳақиқий тарихи ўрганилмоқда, халқимизнинг бой қадимий мероси сифатида ардоқланмоқда.

БУ БИЗНИНГ КОЛЛЕЖЛАР


«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил амалга оширилиши натижасида янги-янги илм масканлари барпо этиляпти. Мустақиллик йилларида Бўстон академик лицейи, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалик коллежлари, тиббиёт билим юрти иш бошлаб, ёш авлодга касб кўникмаларини ҳосил қилиш, етук билим беришда намунали фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ҳам замон талабларига мослаб таъмирланди. Утган йили икки йўналишда 50 нафар йигит-қиз ўқиган бўлса, бу йилдан эътиборан етти иқтисодлик бўйича 340 нафар ёш таълим олади. Уларга 18 нафар ўқитувчи ҳамда 15 нафар ишлаб чиқариш устаси билим ва касб сирларини ўргатади. Муаллим ва усталар яхши ишлаши, ёшлар чуқур билим олиши учун етарли шароит-

лар яратилган. Бекаму кўст жиҳозланган 18 та ўқув хонаси, 3 та лаборатория, 4 та лингафон кабинети, иккита компьютер синфи улар хизматида. Бундан ташқари, спорт мажмуи, 150 ўринли ошхона, 100 ўринли ётоқхона ишлаб турибди. Коллежimiz кутубхонаси адабиётларнинг бойлиги жиҳатидан турдош билим масканлари орасида ягона ҳисобланади. Энг қўлай яшаш ва ишлаш шароитлари яратиб берилган- ни туфайли ўқитувчилар, устаталар ва ўқувчилар турли харидордир товарлар тайёрлаб, коллежнинг иқтисодий жиҳатдан бакувват бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айни пайтда хунармандчилик, темирчилик, тикувчилик, кулолчилик, электрпайвандлаш цехлари ишлаб турибди.



Жуманазар ОЧИЛОВ,
туман қишлоқ хўжалиги коллежи директори.

Фахр



ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ ДУШАНБА, 13

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 8.00-8.35 'Тахлилнома'...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.25 Кўрсатувлар тартиби. 17.30 'Янги авлод' почтаси...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: 'Санта-Барбара'...

СЕШАНБА, 14

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 8.00-8.35 'Ахборот'...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 'Давр' Ахборот дастури. 9.15 'Янги авлод' почтаси...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 ТВда сериал: 'Санта-Барбара'...

ЧОРШАНБА, 15

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 8.00-8.35 'Ахборот'...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 8.00-8.35 'Ахборот'...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.25 ТВда сериал: 'Санта-Барбара'. 18.05 'Спорт-тайм'...

ПАЙШАНБА, 16

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 8.00-8.35 'Ахборот'...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 'Давр' Ахборот дастури. 9.15 'Янги авлод' студияси...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 8.00-8.35 'Ахборот'...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.25 ТВда сериал: 'Санта-Барбара'. 18.05 'Спорт-тайм'...

ШАНБА, 18

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 8.00-8.35 'Ахборот'...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 'Давр' Ахборот дастури. 9.15 'Янги авлод' студияси...

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ...

Хурматли хорижлик ишбилармон ва тadbirkor жаноблар! Савдолар 2001 йил 17, 22 август, 4, 12, 17, 24 сентябр кунлари соат 11.00 да...

Шунингдек, ушбу савдоларга чет эл инвесторларига, эркин муомаладаги валютага сотиладиган куйидаги савдоларга...

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази...

Видеofilм, 1-кўсим. 21.30 'Ўзбекистон Республикаси Ватанини менин'...

ЯКШАНБА, 12

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!' 8.00-8.35 'Ахборот'...

